

2542] «[...]

[...]

[...]

1. 380. Усайр ибн Амр (Ибн Жобир)дан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига Яман аҳлидан кўшин келса, улардан «Орангизда Увайс ибн Омир борми?» деб сўрар эди. Ниҳоят, Увайсга рўбарў келиб, «Сен Увайс ибн Омирмисан?» деди. У: «Ҳа», деди. «Мурод (қабиласи)нинг Қаран уруғиданмисан?» деди. «Ҳа», деди. «Сенда оқлик бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган холосми?» деди. «Ҳа», деди. «Сенинг онанг бор, шундайми?» деди. «Ҳа», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Сизларга Яман аҳлининг кўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин»** деганларини эшитганман. Ҳаққимга истиғфор айтгин». У унинг ҳаққига истиғфор айтди. Шунда Умар унга: «Қаерни кўзладинг?» деди. «Кўфани», деди. «Сен учун унинг волийсига мактуб ёзиб берайми?» деди. У: «Менга оддий одамлар орасида бўлиш ёқади», деди.

Келаси йили уларнинг (қаранликларнинг) улуғларидан бир киши ҳаж қилди. У Умарга учраган эди, Умар ундан Увайс ҳақида сўради. «Мен келаётганда унинг уйи содда, нарсалари оз эди», деди. Умар шундай деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Сизларга Яман аҳлининг кўшини билан бирга Мурод қабиласининг Қаран уруғидан Увайс ибн Омир келади. Унинг (баданида) оқлиги бўлиб, у тузалиб, дирҳам ўрнича қолган бўлади. Унинг онаси бўлиб, (Увайс) унга жуда кўп яхшилик қилган бўлади. Агар у Аллоҳга қасам ичса, Аллоҳ ўша қасамини албатта рўёбга чиқаради. Агар у ҳаққингга истиғфор айтишига имкон топсанг, шундай қилгин»** деганларини эшитганман». Ўша одам Увайснинг ҳузурига бориб, «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин», деди. У яна: «Мен учун истиғфор айтсанг», деди. У ҳам яна: «Сен яқинда муборак сафардан қайтдинг, сен мен учун истиғфор айтгин. Умарга

учраганмидинг?» деди. У «Ҳа» деган эди, (Увайс) унинг ҳаққига истиғфор айтди. Одамлар уни(нг кимлигини) билиб қолишган эди, у боши оққан томонга қараб кетди.

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг яна бир ривоятларида қуйидагича келади:

Усайр ибн Жобирдан ривоят қилинади:

«Умарнинг ҳузурига Кўфа аҳлининг вафди келди. Уларнинг орасида Увайсни масхара қиладиган бир киши ҳам бор эди. Умар: «Бу ерда қаранийлардан бирор киши борми?» деган эди, бояги киши келди. Умар шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деган эдилар: **«Сизларга Ямандан Увайс деган бир киши келади. У Яманда ёлғиз онасини қолдириб келган бўлади. Ун(инг бадани)да оқлик бўлиб, Аллоҳга дуо қилган ва У Зот буни ундан кетказган, фақат динор [ёки дирҳам] ўрнидек жойи қолган бўлади. Сизлардан бирор киши уни учратса, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин».**

Имом Муслимнинг Умар розияллоҳу анҳудан қилган бошқа ривоятларида қуйидагича келади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Тобеъинларнинг энг яхшиси Увайс деган кишидир. Унинг ёлғиз онаси бор. Унинг (баданида) оқлиги бор эди. (Уни кўрсангиз,) унга айтинлар, ҳаққига истиғфор айтишини сўрасин»** деганларини эшитганман».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVIIDLARI